

**“МАЪҚУЛЛАНГАН”**  
“Микрокредитбанк”  
акциядорлик-тижорат банки  
Бошқарувининг  
2021 йил “26” июн даги  
52-2-сонли қарори билан

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
“Микрокредитбанк”  
акциядорлик-тижорат банки  
Кузатув кенгаши мажлисининг  
2021 йил “13” август даги  
7-сонли баённомаси билан

**Бошқарув раиси**

  
О. Бутаев  
M.Ý.  


**Кузатув кенгаши раиси**

  
О. Исаков  
М.Ý.  


**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг  
Таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси тўғрисидаги**

**Низом**  
(янги таҳрирда)

**Тошкент – 2021 йил**

## **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги (рўйхат рақами 3254, 2020 йил 30 июнь), “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги (рўйхат рақами 2229, 2011 йил 25 май), “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги низомлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг (кейинги ўринларда – банк) Таваккалчиликларни бошқариш қўмитасининг (кейинги ўринларда – Кўмита) вазифа ва ваколатлари, мажбуриятлари, шакллантириш ва фаолият юритиш тартиби, банк Кузатув кенгашига ҳисоботлар тақдим қилиш тартиби ва бошқа фаолият асосларини белгилайди.

3. Қўмита банкда таваккалчиликни самарали бошқариш мақсадида ташкил этилган.

4. Қўмита банк Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, банк Устави ва ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

5. Қўмитанинг асосий вазифаси ваколат доирасида масалаларни чуқур ўрганиш ҳамда улар бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш, шунингдек, банк Кузатув кенгашининг назоратга доир вазифаларини бажаришида унга кўмаклашиш ҳисобланади.

Кўмита банк Кузатув кенгаши қарорларининг ижроси, банк стратегияси ва мақсадларининг бажарилиш жараёнини таҳлил қиласи, банк фаолиятига оид муентазам ҳисоботлар ва ўз тавсияларини банк Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этади.

## **2-боб. Қўмитанинг вазифа ва ваколатлари**

6. Қўмита ўз фаолияти давомида қўйидаги вазифаларни бажаради:

таваккалчиликларни бошқариш масалалари ва ички назоратга доир ҳужжатлар, шу жумладан, таваккалчиликларни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси, таваккалчиликларни бошқариш стратегияси ва сиёсати, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш сиёсати ва одоб-ахлоқ қоидаларини кўриб чиқиш, банк Кузатув кенгашига таваккалчиликларни бошқариш тизимига оид тавсияларни киритиш;

Бошқарув ва Риск менежмент департаменти томонидан таваккалчиликларни бошқариш тизими, шу жумладан, риск-аппетит ва таваккалчиликларни бошқариш сиёсатининг ишлаб чиқилиши, уларга риоя этилиши ва уларнинг ўз вақтида янгилаб борилиши устидан назорат қилиш;

банк томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган таваккалчиликларни баҳолаш, шу жумладан, стресс-тест қилиш услубларини даврий равишда кўриб чиқиш;

банк Кузатув кенгашига тақдим этиладиган таваккалчиликларга оид маълумотларнинг (хисоботларнинг) тузилиши ва шакли ҳамда уларни тақдим этиш муддатларини белгилаш;

банкнинг таваккалчиликлар соҳаси (риск-профили) тасдиқланган риск-аппетитга мос эмаслиги ёки меъёрдан чиқиб кетиши кутилаётган ҳолатларда, таваккалчиликларнинг камайтирилиши ва улар юзасидан ўз вақтида чоралар кўрилиши бўйича қарорлар қабул қилиш тўғрисида банк Кузатув кенгашига таклифлар бериш;

банкнинг мукофотлаш тизими банкнинг риск-аппетитига мувофиқлигини ўрганиб бориш;

Риск менежмент департаменти томонидан тақдим этиладиган банкда юзага келган ва юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликлар бўйича хисоботларни камида ҳар чоракда бир марта қабул қилиб бориш ва таваккалчиликларни камайтириш бўйича ишларни амалга ошириш;

Таваккалчиликларни бошқариш бўйича масъул бўлган ходимларнинг, жумладан Риск менежмент департаменти ходимларининг Бошқарув ва таваккалчиликларни қабул қилувчи бошқа таркибий бўлинмалардан мустақиллигини баҳолаб бориш;

Риск менежмент департаменти раҳбарлари фаолиятини баҳолаш жараёнида қатнашиш ёки фикр билдириш;

ўз фаолияти тўғрисида чораклик хисоботларни тайёрлаш;

банк операцияларини амалга оширишда юзага келадиган барча турдаги таваккалчиликларни самарали бошқариш фаолиятини ташкиллаштириш;

банк Кузатув кенгаши томонидан юклатилган бошқа вазифаларни баҳариш.

7. Қўмита ўз фаолияти давомида куйидаги масалаларни кўриб чиқиши ва амалга ошириш ваколатига эга:

банкнинг Риск менежмент департаменти тузилмаси ва таркиби бўйича банк Кузатув кенгаши ва Бошқарувга тавсиялар тақдим этиш;

банкда таваккалчиликни самарали бошқариш ташкил этиш мақсадида Риск менежмент департаменти ходимлари ротациясини амалга ошириш, малакасини мунтазам ошириб бориш юзасидан Бошқарувга таклифлар киритиш;

Риск менежмент департаменти тўғрисидаги Низомни, унга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритишни тасдиқлаш юзасидан Бошқарувга тавсиялар бериш;

Риск менежмент департаменти фаолиятини тўғри ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича Бошқарув билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилиш;

Банк стратегиясини ишлаб чиқиша, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда иштирок этиш, шу жумладан банк Кузатув кенгашига банк стратегиясини ишлаб чиқиша банкнинг таваккалчиликларни бошқариш тизимини ривожлантириш бўйича тегишли тавсиялар бериш;

банкда юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликлар бўйича маълумотларни ўзаро алмашиш, шунингдек, таваккалчиликларни бошқариш тизимига ўз вақтида ўзгартиришлар киритиш бўйича чораларни кўриш мақсадида Кўмита ва Аудит қўмитаси ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш;

қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш, шунингдек банк Кузатув кенгашининг Кўмита фаолиятидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган кўрсатмаларини бажариш.

### **3-боб. Кўмитанинг таркиби ва уни шакллантириш тартиби**

8. Кўмита аъзолари банк Кузатув кенгашининг 3 (уч) нафар аъзосидан ташкил топади.

9. Кўмитанинг таркиби банк Кузатув кенгаши қарори билан тасдиқланади.

10. Кўмита таркибига унинг раиси ва аъзолари банк Кузатув кенгаши раиси тавсияси билан киритилади.

11. Кўмита таркиби ва аъзолигига чекловлар:

Кўмита бошқа қўмита аъзолигида бўлган айнан бир шахслар таркибидан иборат бўлиши мумкин эмас;

банк Кузатув кенгашининг бир аъзоси бир вақтнинг ўзида турли кўмиталар раиси бўлишига йўл қўйилмайди;

Кўмитанинг кўпчилик аъзолари банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг банк Кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно;

Кўмита раиси банк Кузатув кенгаши раиси бўлмаслиги лозим.

12. Кўмитанинг аъзоларига қўйилган талаблар:

Кўмита аъзолари олий маълумотга эга бўлиши керак;

Кўмитанинг камидা битта аъзоси банк-молия ташкилотларида таваккалчиликларни бошқариш соҳаси бўйича камидা 5 йиллик тажрибага эга бўлиши керак.

13. Банк Кузатув кенгаши аъзоси бўлган, Кўмитага сайланган шахслар чекланмаган миқдорда қайта сайланишлари мумкин.

14. Банк Кузатув кенгаши раиси ёки Кўмита раиси заруриятга кўра, Кўмитанинг таркибига исталган вақтда ўзгартиришлар киритишни ташаббус қилиш хукуқига эга.

### **4-боб. Кўмита аъзоларининг ваколатлари муддати**

15. Кўмита аъзоларининг ваколатлари муддати банк Кузатув кенгашининг қарори билан белгиланади.

16. Банк Кузатув кенгаши Кўмита таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорига асосан, Кўмитанинг барча ёки алоҳида аъзоларининг ваколатлари муддатини белгилаш хукуқига эга.

17. Агар Кўмита аъзоларининг ваколатлари муддати банк Кузатув кенгашининг қарори билан белгиланмаган бўлса, Кўмита аъзоларининг

ваколатларини амалга ошириш учун бу муддат банк Кузатув кенгаши аъзоси сифатидаги ваколати муддатига қадар амал қилади, Қўмитанинг барча ёки алоҳида аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ҳоллар бундан мустасно.

18. Қўмитанинг барча ёки алоҳида аъзоларининг ваколатлари қўйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилиши мумкин:

Кўмита аъзосининг ўз илтимоси (аризаси)га биноан;

Кўмита аъзосининг банк Кузатув кенгаши аъзоси сифатида ваколати муддатидан илгари тугатилганда;

банк Кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ Кўмита аъзосининг ваколати муддатидан илгари тугатилганда;

банк Кузатув кенгашнинг янги таркиби сайланиши муносабати билан.

19. Қўмитанинг барча ёки алоҳида аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилиши банк Кузатув кенгаши қарори билан расмийлаштирилади.

### **5-боб. Қўмита аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

20. Қўмита аъзолари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Қўмита мажлислари кун тартибидаги масалаларни мухокама қилишда фаол иштирок этиш;

Қўмита томонидан ўз мажлисларининг кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича қарор қабул қилинишида овоз бериш;

Қўмита мажлисларида шахсан қатнашиш имконияти бўлмаган тақдирда, Қўмита мажлисларида қатнашиш ва ёки ушбу Низомда назарда тутилган бошқа усууллар билан қарорлар қабул қилиш;

банк Кузатув кенгаши, Бошқарув ва банкнинг тегишли таркибий бўлинмаларидан Қўмита ваколати ва вазифалари доирасида ҳар қандай масала бўйича тўлиқ, асосли фикрни шакллантириш учун зарур ва етарли даражада маълумот ва хужжатларни сўраш;

Қўмита томонидан кўриб чиқиладиган ҳар қандай масалалар бўйича ўзининг алоҳида фикрини билдириш ва унинг алоҳида фикрини Қўмита мажлиси баённомасида акс эттиришни ва уларни қўмитанинг қарори (тавсиялари) билан биргаликда банк Кузатув кенгашига тақдим этишни талаб қилиш;

ўзининг асосий вазифалари ва ваколатларига мос келадиган масалаларни Қўмита томонидан кўриб чиқилишига таклиф киритиш;

зарур ҳолларда Қўмита ваколати ва вазифалариға кирувчи масалалар бўйича маҳсус билимга ва кўникумга эга бўлган учинчи шахсларни мутахассис (маслаҳатчи) сифатида жалб қилиш;

қонунчиликка мувофиқ Қўмита аъзолари бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

21. Қўмита аъзолари қўйидагиларга мажбурдир:

Қўмита мажлисларида қатнашиш ва қўмита кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда фаол иштирок этиш;

Қўмита мажлисларида шахсан қатнашиш имконияти бўлмаган тақдирда, Қўмита мажлисларида қатнашиш ва/ёки ушбу Низомда назарда тутилган бошқа усуллар билан қарорлар қабул қилиш;

Қўмита мажлисида тақдим этилган материаллар ва хужжатлар билан танишиш ва уларни ўрганиш;

Қўмита томонидан ўз мажлисларининг кун тартибида қарорлар қабул қилинишида овоз бериш;

Қўмита мажлисининг кун тартибида муҳокама қилинаётган масалалар бўйича шахсий манфаатдорлиги мавжудлиги тўғрисида Қўмитанинг бошқа аъзоларини дарҳол хабардор қилиш;

Қўмита мажлисининг кун тартибидаги масалаларини кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш вақтида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақида Қўмита ва банк Кузатув кенгашининг бошқа аъзоларини дарҳол хабардор қилиш;

ўз вазифаларини бажаришда банкка зарап етказиши ёки бошқа зарап етказиши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик, шунингдек бундай ҳаракатлар ва баёнотларни бажаришдан тийилиш;

банк тизимида банк сири ва тижорат сирига оид маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда сир сақланишини таъминлаш;

қонунчиликка мувофиқ Қўмита аъзоларига бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

#### **6-боб. Қўмита раиси ва унинг ваколатларига қўйиладиган талаблар**

22. Қўмита раиси Қўмита ишига раҳбарлик қиласи ва унинг банк Кузатув кенгаши билан муносабатларини мувофиқлаштиради.

23. Қўмита раиси етакчилик фазилатларини, кучли мулокот кўникмаларини эгаллаши ва намойиш қилиши, ўз вазифаси ва мажбуриятлари билан боғлиқ вазифаларини билиши ва тушуниши керак.

24. Қўмита раисининг ваколатларига қўйидагилар киради:

Қўмита ишини умумий бошқариш ва ташкил этиш;

Қўмита мажлисларининг кун тартибини тасдиқлаш;

Қўмита мажлисларини чақириш;

Қўмита мажлисларида раислик қилиш ва масалалар муҳокамасини ташкил этиш;

Қўмита мажлисларининг кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш натижалари бўйича банк Кузатув кенгашига тавсияларни тақдим этиш;

банк Кузатув кенгаши қарорлари билан белгиланган бошқа ваколатларни амалга ошириш ва Қўмита номидан хужжатларни имзолаш.

## **7-боб. Кўмита иш тартиби ва мажлислари**

25. Кўмита мажлислари заруратга қараб ёки Кўмита мажлислари жадвалига мувофиқ, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

26. Кўмита мажлиси Кўмита раиси ёки у бўлмаган тақдирда унинг ўрнини эгаллаш ҳукуқига эга бўлган шахс, Бошқарув раиси ёки унинг ўрнини босувчи шахс, зарур ҳолларда Бошқарувнинг бошқа аъзолари, Риск менежмент департamenti директори ёки унинг ўрнини босувчи шахс, шунингдек банк Кузатув кенгashi ёки Кўмита аъзоси илтимосига биноан чақирилиши мумкин.

27. Кўмита мажлисида Кўмита аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган бўлса, мажлис кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш ваколатига (кворумга) эга бўлади.

28. Кўмита аъзолари Кўмита мажлислида баланд овозли видео ёки телефон алоқаси ёки бошқа ажратилган алоқа каналлари орқали иштирок этиш ҳукуқига эга. Бироқ, бу ҳолатда иштирок этиш тизими куйидагиларни таъминлаши керак:

тизимга уланиш усуллари Кўмита аъзосининг шахсини ишончли аниқлашга имкон бериши;

Кўмита аъзоси томонидан тақдим этилган овоз аниқлик билан қайд этилиши;

Кўмитанинг хар бир қарори учун овоз беришда Кўмита аъзосига мажлис кун тартибидаги бирон-бир масала бўйича ўз фикрини билдириш ва реал вақт режимида унинг муҳокамасида иштирок этиш имкониятига эга бўлиши;

шунигдек давлат, тижорат, банк ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларнинг сақланишини таъминлаши.

29. Кўмита аъзоларининг Кўмита мажлисида шахсан ёки ушбу Низом 28-бандида назарда тутилган бошқа усуллар билан иштирок этиш имкони бўлмаса, Кўмита аъзоси Кўмита раиси билан келишилган ҳолда олдиндан ёзма равишда (бюллетенни тўлдириш ёки бошқа тарзда) Кўмитанинг тегишли мажлиси кун тартибига киритилган масала бўйича овоз бериш ҳукуқига эга.

Кўмита аъзосининг илгари берилган овозлари ушбу мажлисда қатнашган Кўмита аъзоларининг овозларини ҳисоблашда ҳисобга олинади, агар ушбу овоз ушбу мажлисда қатнашган Кўмитанинг қолган аъзоларининг фикрига биноан бир овозли ва асосли равишда берилган бўлса. Кўмита қарорларини қабул қилишда бундай иштирок этишга Кўмита аъзоларининг камида учдан икки қисми шахсан қатнашган тақдирда йўл қўйилади.

30. Зарур бўлганда, банк Кузатув кенгашининг бошқа аъзолари, Бошқарув аъзолари, бошқа таркибий бўлинмалари ходимлари Кўмита мажлислари овоз бериш ҳукуқисиз таклиф қилиниши мумкин.

31. Қўмита мажлисини ушбу мажлисга раислик қилувчи шахс – Қўмита раиси ёки у бўлмаган тақдирда унинг ўрнини эгаллаш хуқуқига эга бўлган шахс бошқаради.

32. Қўмитанинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Қўмитанинг ҳар бир аъзоси фақат ўзи учун овоз бериши мумкин ва унинг овозидан фойдаланган ҳолда Қўмитанинг бошқа аъзоси номидан овоз бериш тақиқланади.

33. Қўмитанинг қарорлари очик овоз бериш орқали Қўмита аъзоларининг оддий қўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозларни санаш, уларни аниқлаш ва овоз бериш натижаларини акс эттириш Қўмита мажлиси котиби томонидан амалга оширилади.

34. Алоҳида ҳолларда, Қўмитанинг қарорлари сиртдан овоз бериш орқали қабул қилиниши мумкин. Қўмитанинг сиртдан овоз бериш орқали қарор қабул қилиш имконияти Қўмита раиси томонидан алоҳида ҳолатларда ва кўриб чиқилаётган масалаларнинг долзарблиги даражасини ва уларни тезкор кўриб чиқилишини ҳисобга олган ҳолда Қўмита аъзолари билан келишилган ҳолда белгиланади.

35. Қўмитанинг сиртдан овоз бериш орқали қабул қилинган қарори, кун тартибидаги масалалар бўйича Қўмита аъзоларининг умумий сонига ва улар бўйича овоз бериш натижаларига кўра, Қўмита раиси томонидан (коғозда ёки электрон тарзда) олинган овоз бериш бюллетенлари ҳисобга олинган кворум бўлса, қабул қилинган деб ҳисобланади. Белгиланган муддат тугагандан сўнг олинган овоз берилмаган ҳисобланади ва овоз бериш бюллетенлари овоз бериш кворумини ва овоз бериш натижаларини ҳисоблашда ҳисобга олинмайди.

36. Бошқарув аъзолари, Риск менежмент департаменти ва бошқа таркибий бўлинмалари ходимлари Қўмитага ёрдам кўрсатиши, шунингдек ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича Қўмитанинг кўрсатмаларини бажариши шарт.

37. Бошқарув ва банк Бош офиси таркибий бўлинмаларининг Қўмитага мурожаатлари одатда банк Кузатув кенгаши котибияти орқали тақдим этилади.

38. Қўмитанинг қарор, топширик, кўрсатма ва бошқа мурожаатлари тегишинча Бошқарув ва ва банк Бош офиси таркибий бўлинмаларига банк Кузатув кенгаши котибияти орқали ёки зарур ҳолларда тўғридан-тўғри етказилади.

39. Қўмита мажлисларида банк Кузатув кенгаши ходимларидан бири котиблик қиласида ва мажлис котиби Қўмита мажлисларида овоз бериш хуқуқисиз иштирок этади. Заруратга кўра, Қўмита мажлис бошланишида банкнинг бошқа таркибий бўлинмаси ходимларидан бирини котиб этиб сайлаши мумкин.

#### **8-боб. Қўмита мажлисларининг қарорлари**

40. Қўмитанинг мажлисида қабул қилинган қарорлар мажлис баённомаси билан расмийлаштирилади.

41. Кўмита мажлиси баённомаси Кўмита котиби томонидан беш иш кунида тузилади ва мажлисга раислик қилган шахс, Кўмита аъзолари ва котиби томонидан имзоланади.

42. Кўмита мажлисининг баённомаси ушбу мажлисда қатнашган Кўмита аъзолари билан таниширилиши ва уларнинг розиликларини олиш учун тасдиқланиши керак. Кўмита мажлиси баённомасининг бундай тасдиқланиши электрон алоқа воситасида, шунингдек Кўмитанинг кейинги мажлисида амалга оширилиши мумкин.

43. Агар Кўмита аъзоси Кўмита мажлисида қабул қилинган қарорига рози бўлмаса, у ўзининг алоҳида фикрини ушбу мажлис баённомасида акс эттиришни ёзма равишда талаб қилишга ҳақлидир, бунда ушбу Кўмита аъзосининг ёзма сўрови мажлиснинг тегишли баённомасига мажбурий илова ҳисобланади.

44. Кўмита мажлисининг баённомасида қўйидаги маълумотлар бўлиши керак:

мажлис санаси, вақти ва жойи;

мажлисда иштирок этган Кўмита аъзолари ва шахслар тўғрисидаги маълумотлар;

мажлис кун тартиби;

мажлис қатнашчилари томонидан овозга қўйилган Кўмита қарорларининг матни;

мажлис қатнашчиларининг овоз бериш натижалари (ушбу мажлис иштирокчиларини “ёқлайман”, “қаршиман”, “бетарафман” варианtlари бўйича овоз берганларни аниқлашга имкон берадиган маълумотлар кўрсатилган ҳолда);

Кўмитанинг қабул қилинган қарорлари матни;

Кўмита қарорига биноан бошқа маълумотлар.

45. Кўмитанинг сиртдан овоз бериш орқали қабул қилинган қарори ёзма шаклда расмийлаштирилади, унга Кўмита раиси ва котиби имзо чекадилар, шунингдек, улар тақдим этган сиртдан овоз бериш бюллетенларида ёки бошқача тарзда ўз позицияларини билдирган Кўмита аъзолари томонидан тасдиқланади.

46. Кўмита томонидан қабул қилинган қарорлар (ташқи мажлислар ёки сиртдан овоз бериш) асосида, кўриб чиқилаётган масалалар бўйича Кўмитанинг ёзма тавсиялари тузилиши мумкин, улар банк Кузатув кенгашига тақдим этилиши керак. Кўмитанинг бундай тавсиялари банк Кузатув кенгашида кўриб чиқилаётган масала бўйича Кўмитанинг фикрини акс эттиради ва мазкур тавсиялар объектив ва асослантирилган бўлиши керак.

47. Кўмита мажлисларининг баённомалари, шунингдек сиртдан овоз бериш бюллетенлари ва бошқача тарздаги овоз бериш маълумотлари банк Кузатув кенгаши котибияти томонидан сақланади. Бошқарув Кўмита



мажлислари баённомаларининг хавфсиз сақланиши учун шарт-шароитлар яратиш, Қўмита томонидан қабул қилинган қарорлар нусхалари, овоз бериш бюллетенлари, баённомалар журнали, Қўмита мажлислари баённомаларидан кўчирмалар бериш учун жавобгардир.

### **9-боб. Қўмита фаолияти самарадорлигини баҳолаш**

48. Банк Кузатув кенгаши томонидан Қўмитанинг ҳар бир аъзосининг самарадорлигини йилига камида бир маротаба қўмитанинг ўтган даврдаги фаолиятини баҳолаш мақсадида кўриб чиқади.

### **10-боб. Қўмита аъзоларига мукофотлар**

49. Қўмита аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори, банк Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот тўлаш тартибига мувофиқ белгиланади ва тўланади.

### **11-боб. Қўмита фаолияти тўғрисидаги ҳисобот**

50. Қўмита ҳар чоракда банк Кузатув кенгашига ўзининг фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисоботини тақдим этади.

51. Қўмита ҳисоботи муҳокама қилинган масалалар, тасдиқланган иш режанинг бажаралиши ва банк Кузатув кенгаши топшириқларининг ижро этилиши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

52. Қўмита ҳисоботи банк Кузатув кенгашига Қўмита раиси номидан ёки Қўмита томонидан тайинланган бошқа аъзо номидан ёзма ёки оғзаки маърузалар шаклида бўлиши мумкин.

### **12-боб. Якуний қоидалар**

53. Ушбу Низом банк Кузатув кенгашининг қарори билан тасдиқлангандан сўнг “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкида ички меъёрий хужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ рўйхатдан ўтказилиб, расмий эълон қилинган куннинг эртасидан эътиборан кучга киради.

54. Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар банк Кузатув кенгаши қарори билан киритилади. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, расмий эълон қилинган куннинг эртасидан эътиборан кучга киради.

55. Ушбу Низом кучга кирган кундан бошлаб Бошқарувнинг 2017 йил 20 февралдаги 6-сонли қарори билан тасдиқланган “Таваккалчиликларни назорат қилиш қўмитаси тўғрисида”ги низоми ўз кучини йўқотади.

56. Ушбу Низом шартларини бузганликда айбор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

